**“Боғот пахта тозалаш” акциядорлик жамияти**
**акциядорлари диққатига!**

“Боғот пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2024 йил “24” июнь куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат $15^{00}$да Хоразм вилояти, Боғот тумани, Урганч кўчаси, 2-уйда жойлашган “Боғот пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчилари рўйхатга олиш соат $14^{00}$ бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.bogotpaxta.uz

**КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:**

**1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.**

**2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.**

**3. Жамиятнинг 2023 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.**

**4. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.**

**5. Жамият кузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.**

**6. Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосаларини тасдиқлаш.**

**7. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.**

**8. 2024 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.**

**9. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.**

**10. Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг 2024 йил 7 мартдаги 14-сон йиғилиш баёнига асосан активларнинг нархини қадам-бақадам пасайтириш.**

**11. Жамият ижро органи ходимларининг штатлар жадвалини тасдиқлаш.**

**12. Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларда тегишли ёзувларни киритиш.**

*Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2024 йил 31 май ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2024 йил 18 июнь ҳолатига шакллантирилади.*

*Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат-паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун-нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун-мазкур юридик шахс томонидан берилган).*

*Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Боғот пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.*

*Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Хоразм вилояти Боғот тумани, Урганч кўчаси, 2-уй, электрон почта: bogotpaxta@mail.ru, тел.:(62)31-51-104. (99) 967-89-29*